O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 5 май, чоршанба • № 36 (11.119) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН — КУРАШ ВАТАНИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

1999 йилнинг 1-2 майи халқимиз учун тарихий санага айланди. Чунки, шу кунлари пойтахтимиз Тошкентда илк бор ўзбек миллий кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Нафақат Ўзбекистон, балки, бутун жаҳон спортида янги саҳифа очилди



ҲА, ШУНДАЙ. Дунёнинг беш қитъасидан келган алп қомат йигитлар ўзбек кураши бўйича мардона беллашдилар. Чунки, ўзбек курашининг маз-мун-моҳияти шундай. Унда фақат мард, жасур, чапдаст, олижаноб, бағрикенг, ҳалол йигитлар енгади. Эҳтимол, ўзбек курашининг жаҳон спорти оламига шиддат билан кириб, оммалашиб бораётганлигининг боиси ҳам мана шундадир.

Сўзсиз, бу олижаноб миллий курашимиз мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганидан сўнггина қадр-қиммат топди. Қайтадан қад ростлади. 1992 йилда илк бор дунё спорти луғатида «ЎЗБЕК КУРАШИ» деган ибора пайдо бўлди. Унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Шу тариқа миллий курашимиз ҳорижий мутахассисларда ва спортчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Курашнинг жаҳон миқёсида тан олинишида, дунёга кенг ёйилишида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Ўтган даврда бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан кураш бўйича қатор халқаро турнирлар ўтказилди. 1998 йилнинг 6 сентябрь куни эса халқаро «Кураш» ассоциацияси ташкил этилди. Ўзбек миллий курашини ривожлантириш ва дунёга ёйишдаги юксак хизматлари инобатга олиниб мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ассоциациянинг доимий фахрий Президенти этиб сайланди. Шундан сўнг «Халқаро «Кураш» ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Президентимиз Фармони қабул қилинди. Бу Фармоннинг алоҳида ўрни шундаки, у нафақат Ўзбекистонда, балки, бутун дунёда миллий курашимизнинг янада кенг ривожланишига, оммалашувига хизмат қилмоқда.

Буни 1-2 май кунлари пойтахтимиздаги «ЮНУСОБОД» ва «ЖАР» спорт мажмуаларида бўлиб ўтган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати яққол кўрсатди. Илк чемпионатнинг ўзидаёқ 48 мамлакат спортчилари иштирок этдилар. Мутахассислар ҳеч қайси янги спорт тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида бунчалик кўп мамлакат вакиллари иштирок этмаганлигини очиқ-ойдин эътироф этдилар.

Бу ўзбек курашининг дунё тан олганлигининг, миллий курашимизнинг барча мамлакатларда тобора оммалашиб бораётганлигининг, турли миллат ва элатлар вакилларига маъқул бўлиб қолганлигининг яққол ифодасидир. Албатта, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун мамлакатимизда катта саъй-ҳаракат кўрсатилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Буни чемпионат иштирокчилари, меҳмонлар ҳам очиқ-ойдин тан олдилар.

Курашда ғолиблар шарафланади. Мусобақа совриндори бразилиялик полвон Хонорато Карлос Эдуардо мусобақалар ҳақида ўз фикрини изҳор қилар экан «Мен ўзбеклардек ҳақиқий кураш мухлисларини кўрмаганман. Гарчанд, ўзбек полвони устидан ғалаба қозонсам-да, улар мени астойдил қўллаб-қувватладилар. Шунда мен курашнинг чинакам мардлар спорти эканлигига ишонч ҳосил қилдим».

Бор-йўғи икки кун давом этган мусобақалар ҳақиқатан ҳам таассуротларга бой бўлди. Энг муҳими, бу беллашувларда ўзбек полвонлари мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Барча вазн тоифалари бўйича ғолибларга ажратилган 12 медалнинг 10тасини ўзбек полвонлари қўлга киритдилар.

73 килограммгача бўлган вазнда ҳамюртимиз Акобир Қурбонов чемпионлик шохсупасига кўтарилди. 90 килограммгача бўлган вазнда эса яна бир полвонимиз Камол Муродовга тенг келадиган рақиб топилмади. Оғир вазнли полвонлар ўртасида сурхондарёлик Тоштемир Муҳаммадиев ғолиб чиқди.

Тошкентда бўлиб ўтган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати, сўзсиз, ўзбек курашига жаҳон айвонида кенг йўл очди. Халқаро «Кураш» ассоциациясининг молиявий масалалар бўйича вице президенти, Литва миллий олимпия қўмитаси ассамблеяси аъзоси Гентаутас Вилейта кураш — XXI аср спорти, энди навбат олимпиада ўйинларига, деганида, Оврупо дзю-до иттифоқи вице президенти, Оврупо Кураш иттифоқи президенти Геннадий Калиткин қайси спорт турини халқ севар экан, ардоқлар экан, унинг келажаги порлоқдир, деганида, халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитаси аъзоси Франс Хукендайк муайян бир халқнинг миллий спорт турининг халқаро майдонга чиқиши, дунё мамлакатлари томонидан тан олиниши ҳазилакам гап эмас, деганида томошабинлар, меҳмонлар олқиши атрофни ларзага солди. Бугун медалларга сазовор бўлган полвонлар эмас, ўзбек кураши чемпион бўлди, деган сўзлар ҳаммани тўлқинлантириб юборди.



ОФАРИН, ЧЕМПИОНЛАР!

Шу ўринда Президентимизнинг кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимидаги табрикларида айтган қуйидаги сўзлари ёдга келади: «Мен ишонаман, — дедилар давлатимиз раҳбари, — дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машғулотига айланади».

Дарҳақиқат, шундай. Пойтахтимизда бўлиб ўтган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати мамлакатимиз спорт соҳасида ҳам жаҳон миқёсида ўзига хос, ўзига мос ўрин эгаллаб бораётганлигининг яна бир эътирофи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

9-МАЙНИ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

9-майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

д) амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари;

е) бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия қўлланиладиган шахслар.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин, ушбу Фармоннинг 10-моддасида қайд қилинган жиноятларни содир этган маҳкумлар бундан мустасно.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан ушбу Фармон қабул қилинган кунга қадар, қонунга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар манзил-колонияларга ўтказилсин.

8. Мазкур Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмай қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатини ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга — ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмга.

10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 244-1 моддаларида, 246 моддаси 2-қисмида, 247 моддаси 2, 3 қисмларида, 248 моддаси 2, 3 қисмларида, 270 моддаси 3-қисмида, 271 моддаси 3-қисмида, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга, ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга, шунингдек, уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган шахсларга Фармоннинг 1-3, 6, 8-моддалари қўлланилмасин. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а, в» бандлари билан судланганлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 272, 273 моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари, шунингдек, биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 242, 244-1 моддаларида, 247 моддаси 2, 3-қисмларида, 248 моддаси 2, 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур Фармоннинг 9-моддаси қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу Фармон татбиқ этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1999 йил 30 апрель.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

ТАНЛОВ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ТИББИЁТ ходимлари вилоят касаба уюшмаси қўмитаси, «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Ҳамшира-99» танлови ниҳоясига етди. Бекобод шаҳрида ташкил этилган бу баҳсда 21 нафар нажоткор қатнашди.

Беш шарт бўйича беллашувларда Янгийўл шаҳар марказий шифохонаси ҳамшираси Наргиза Оқжигитова — биринчи, Чирчиқ шаҳар онкология шифохонаси ҳамшираси Феруза Азаматова — иккинчи, Бекобод металлургия комбинати тиббий-санитария қисми ҳамшираси Шаҳноза Абдуллажонова — учинчи ўринни эгалладилар.

«Томошабинларга ёққан», «Энг билимдон», «Энг назокатли», «Жасоратли қиз», «Энг долзарб» совринларига Оҳангарон, Чиноз, Бекобод, Бўка туманлари марказий шифохоналари ҳамширалари Бахтигул Номозова, Саида Мадаминова, Нодира Холматова, Гулчехра Йўлдошева ҳамда Пскент тумани туғруқ мажмуи ҳамшираси Чарос Ҳидоятовалар сазовор бўлдилар.

Улуғбек АКМАЛОВ.

МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДА СЎЗ

МАЪНАВИЯТИ бой халқнинг келажаги порлоқ бўлади. Пскент тумани ҳокимлигида маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар йиғини раислари, ҳудуддаги йирик ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди.

МАЪНАВИЯТ ва маърифат маркази туман бўлимининг бошлиғи Башорат Сатторова, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Шовкат Икромов, Пскент жомеъ масжиди имом-хатиби Абдулҳамид Абдуҳолиқ ўғлининг маърузаларидан сўнг, жойларда олиб борилаётган ишлар, навбатдаги вазифалар ҳақида ўзаро тажриба алмашилди, қимматли фикр-мулоҳазалар, тавсиялар ўртага ташланди.

Носир ИСАЕВ.

МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ

ЖОЙЛАРДА тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлигини таъминлаш ишига кенг жамоатчиликни жалб қилиш тадбирлари кўрилмоқда.

Чунончи, Ангрендаги маҳалла қўмиталари ҳузурида шу ерда истиқомат қилувчи фуқаролар вакилларидан иборат тузилган «Маҳалла посбонлари» ҳам шулар жумласидандир.

Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи бундай посбонларга обрўли, одобли, юриш-туришда, муомалада кўпчиликка ўрнак бўлаётган кишилар жалб қилинмоқда. Улар ҳудудий милиция нозирлари раҳбарлигида ишлайдилар. Ҳозиргача шаҳардаги барча 28та маҳаллада шундай посбонлар тузилди ва улар ишга киришдилар.

Машкура ЗОҲИДОВА.

ТЕХНИКА КОЛЛЕЖИ МАҚОМИ БЕРИЛДИ

«КАДРЛАР тайёрлаш Миллий дастури» талаблари бўйича республикамиздаги касб-ҳунар мактабларидан бир нечтаси техника коллежларига айлантирилди.

Олмалиқ шаҳридаги 10-касб-ҳунар мактабига ҳам яқинда шундай мақом берилди.

Шу муносабат билан техника коллежида чилангарлик, кўприк крани машинисти, саноат жиҳозларини таъмирловчи каби ихтисосликлар бўйича малакали мутахассис ходимлар тайёрлашга киришилди. Бу эса ўқувчи ёшларнинг бир йўла икки-уч хил касб-ҳунарни пухта эгаллашларига имкон беради.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати эса техника коллежига оталиқ ёрдамини янада кучайтиришга қаратилган қатор ибратли тадбирларни белгилади. Комбинатда коллеж учун алоҳида ўқув хоналари ҳамда ишлаб чиқариш лабораториялари ажратилди.

Акбар АЛИМОВ.

«АЁЛ ВА ОИЛА» МАРКАЗИ

ҚИБРАЙДАГИ «Жомий», «Медиз» ҳиссадорлик жамиятлари, «Қурилиш материаллари» хусусий фирмаси, паррандачилик фабрикаси туман иқтисодиётида салмоқли ўрин тутмоқда.

Бу корхоналар жамоалари яқинда яхши ташаббус билан чиқдилар. Улар тумандаги «Саккизинчи март» сиҳатгоҳи ҳузурида «Аёл ва оила» марказини очишга яқиндан бош қўшдилар. Бу саховатли тадбир аёллар йили муносабати билан белгиланган мажмуий режа доирасида амалга оширилди.

Санаторий шифокорлари кам таъминланган ва кўп болали аёлларга бепул тиббий хизмат кўрсатишни ўз зиммаларига олдилар. Шунингдек, марказда тиббиёт мавзусида савол-жавоблар бурчаги ташкил этилди.

Али АКБАРОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

САНАЦИЯНИ КУТИБ ЎТИРИШ ШАРТМИ?

ЭЪТИРОФ этиш керакки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси мавзусининг долзарблиги, қамровининг кенглиги, таҳлилининг чуқурлиги ва теранлиги, айниқса, демократик ҳуқуқий давлат барпо этаётган мамлакат учун ҳар томонлама мукаммал дастуриламал ҳужжат эканлиги билан аввалгиларидан фарқ қилади.

Зеро, ушбу маърузада ўтаётган аср бўсағасида ҳамда янги минг йиллик аввалида амалга оширилиши лозим бўлган энг асосий, энг долзарб, энг устувор йўналишлар аниқ-равшан белгилаб берилган. Айниқса, жамиятимиз ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларини тўла эркинлаштириш масаласи хусусида Юртбошимиз баён этган мулоҳазалар, йўл-йўриқлар ҳаммамизнинг дилидаги гап бўлди. Беистисно, ҳамма соҳаларда меҳнат қилаётган барча раҳбардан тортиб оддий меҳнаткашгача бугунги кунда ана шу тарихий маруза таассуроти билан яшаб, навбатдаги ишларини режалаштирмоқда.

Президент маърузасида таъкидланганидек, жамиятни янгилашнинг, иқтисодиётни, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг инқилобий усулларидан воз кечиб, тадрижий йўлдан борилаётгани, яъни барча соҳалардаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани, демократик ва бозор муносабатлари кучли ижтимоий сиёсат ҳамда аҳолининг иқтисодий ночор қатламини моддий ва маънавий жиҳатдан муҳофаза қилиш билан уйғун ҳолда олиб борилаётгани боис жамият ҳаётининг жабҳаларида барқарорлик ҳукм суриб, иқтисодий-маънавий тараққиёт бир маромда давом этмоқда. Муҳими шундаки, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос бундай тараққиёт йўлини бутун халқ қўллаб-қувватламоқда ва буюк, фаровон келажакка комил ишонч билан сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган кишилар онгидаги, руҳиятидаги бундай янгиланиш санация тадбирлари ўтказилаётган жамоа хўжаликларида, айниқса, яққол сезилмоқда. Маълумки, санация ўтказишдан мақсад кейинги йилларда сурункасига зарар кўриб, молиявий ночор аҳволга тушиб қолган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодиётини қайта тиклаш, рентабелли хўжаликлар қаторида барқарор фаолият юритадиган даражага олиб чиқишдан иборат. Шу нуқтаи назардан баҳо бериладиган бўлса, вилоят бўйича санация рўйхатига киритилган саккизта хўжаликнинг ҳаммасида амалга оширилган тадбирлар ўз самарасини берди, дейиш мумкин.

Тўғри, уларнинг айримларида режалар бажарилмади, ҳосилдорлик мўлжалдагидан кам бўлди. Аммо асосий мақсад, ният рўёбга чиқди, йил оз бўлса-да, фойда билан якунланди. Демак, бу хўжаликларда иқтисодий ночор аҳволдан қутилиб, ҳар йили барқарор даромад олиш учун барча имкониятлар бор экан. Гап ана шу имкониятлардан оқилона фойдалана билишда қолган. Бунга ўтган мавсумда санация шароитида фаолият юритаётган хўжаликлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Санацияга тушган хўжаликларнинг ҳаммасида тежамкорликка жиддий эътибор берилди. Аввало, бошқарув аппрати ходимларидан тортиб, далада ишловчилар сони қайта кўриб чиқилди ва экин майдонларининг ҳажмига қараб, мақбул даражада қисқартирилди. Масалан, Пскент туманидаги «Пскент» жамоа хўжалигида бошқарув аппаратида ишлаб келган 60 кишидан 37 нафари қисқартирилиб, 23 киши қолдирилди. Шунинг ўзидан йилига 1 миллион 250 минг сўм маблағ тежаладиган бўлди.

Муносабат

Оққўрғон туманидаги «Султонобод» жамоа хўжалигида 850 нафар дала меҳнаткашидан 575 нафари, бошқарув тизимидаги 37 кишидан 18 нафари қолдирилди. Ишдан бўшатилганлар туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда янги иш ўринлари билан таъминланди.

Иккинчи навбатда ортиқча ва самарасиз харажатларга бутунлай чек қўйилди. Тижорат банкларида очилган махсус ҳисоб рақами орқали амалга ошириладиган барча сарф-харажатларда эса қатъий тартиб ўрнатилди. Ана шу йўл билан биргина «Пскент» жамоа хўжалигида дала меҳнаткашларининг пешона терлари билан тўпилаётган 15 миллион сўмдан зиёд маблағ тежаб қолинди.

Энг муҳими санация ўтказилаётган хўжаликларда иш юритишнинг оила пудрати тўла жорий этилиб, одамларнинг ўз меҳнатлари пировард натижасидан моддий манфаатдорлиги кескин оширилди. Пахтани фақат юқори навларга топшириш йўлга қўйилди. Ҳосилни учинчи ва тўртинчи навларга қабул қилиш бошланиши билан, яъни даромад таннархни кўтармай қолганда, терим тугатилиб, кузги шудгорга киришиш чоралари кўрилди.

Шундай қилиб, йилига 20-30 миллион сўм зарар кўраётган хўжаликлар санация шарофати билан бир йилдаёқ фойдага кирди. Муҳими шундаки, деҳқонларнинг рўзғорига барака кириб, хўжаликнинг иқтисодий жиҳатдан қайта соғломлашувига ишонч уйғонди, меҳнатга муносабатлари ўзгарди.

«Меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, ўз эҳтиёжини қондириши, ўз турмуш даражасини, оиласи ва болалари фаровонлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга», — деди Президент Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган маърузасида. Бу айни ҳаётий ҳақиқат эканлиги биз юқорида келтирган мисолларда ҳам яққол кўриниб турипти.

Лекин, афсуски, ўтган йили фақат санацияга тушган ва яна бармоқ билан санарли даражада оз хўжаликлардагина мавсум бирмунча муваффақиятли якунланди. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, биргина 1998 йилнинг ўзида вилоятдаги 124 хўжаликдан 76тасида ҳосилдорлик режадагидан пасайиб кетди. Режани уддалаганларнинг ҳам иқтисодий аҳволи яхши эмас. Жами 77та хўжалик эса йилни умумий ҳисобда 1 миллиард 976 миллион 105 минг сўм зарар билан якунлади.

Бунинг асосий сабаби нимада? Ҳаёт сабоқларидан маълумки, ҳар қандай жамоанинг муваффақияти ҳам, инқирози ҳам биринчи навбатда раҳбарнинг салоҳиятига, эгаллаб турган лавозимига қай даражада лаёқатли эканлигига, қолаверса, билими, маҳорати, ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ. Юртбошимиз сессиядаги маърузасида таъкидлаганидек, олдинда қандай вазифа турган бўлмасин, қандай муаммоларни ҳал этиш зарурати туғилмасин, гап барибир кадрларга бориб тақалади. Демак, бошқарувнинг ҳал қилувчи асосий бўғинларида даврга мос янгича фикрловчи, юқори малакали, элюрт ва Ватан манфаатини кўзлайдиган, садоқатли, имон-эътиқодли раҳбарлар ишбоши бўлмас экан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий ночор аҳволдан қутилиши оғир бўлади. Бу гап фойда ўрнига зарарига ишлаётган юқоридаги 77та хўжалик фаолиятига бевосита тааллуқлидир. Уларнинг раҳбар ва мутахассислари ҳам вилоят бўйича санацияга тушган саккизта хўжалик қатори аввало, сарф-харажатларни тартибга солиб, ишловчилар сонини мақбул даражага келтириб, уларнинг моддий манфаатдорлик билан жон қуйдириб ишлашини таъминлаганларида эди, хўжалик иқтисодий тикланиш йўлига ўтган бўларди.

Балки, улар ҳам ўз хўжаликларининг санация рўйхатига киритилишини кутишаётгандир? Агар шундай бўлса, қаттиқ янглишадилар. Чунки, санация илгарилари бўлганидек, давлат томонидан бериладиган навбатдаги дотация эмас, балки иқтисодий ночорликдан ҳалос бўлиб, ўзини ўзи эплайдиган рентабелли хўжаликка айланиш учун яратилган сўнгги имкониятдир. Яна шуниси борки, у фақат икки йил муддатга берилади. Шунда ҳам ўнгланмаган хўжалик инқирозга юз тутади, янада лўндароқ қилиб айтадиган бўлсак, банкротга учрайди.

Ҳамон шундай экан, санация рўйхатига киритилишини кутиб ўтиришдан наф йўқ. Ҳар бир хўжалик иқтисодий таназзулдан қутилиш учун ўзи жон қуйдириб, чорасини топмас экан, санациянинг ёрдам бериши ҳам амри маҳолдир. Зарар кўриб ишлаётган барча хўжаликларнинг раҳбарлари бу ҳаётий ҳақиқатни яхшилаб тушуниб олмоқлари лозим.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

«НАВРЎЗ»ЛИКЛАР ОТАХОНИ

БУ отахон билан илгарилари ҳам суҳбатда бўлганмиз. У фашизмга қарши урушнинг бошидан охиригача иштирок этган, азобу-уқубатларини хўп тортган, бугунги кунда ўзи истиқомат қилаётган Тошкент туманининг «Наврўз» маҳалласида эъзоз топган табаррук инсонлардан бири. Мираҳмад ота Мирзааҳмедовни бу худуддагилар урушдан кейин қирқ йиллик умрини муаллимликка бағишлаган мураббий сифатида ҳам алоҳида ҳурмат қиладилар.

Яқинда ота билан учрашиб қолдик. Бу йил саксонинчи баҳорни қаршилаганига қарамай, ҳамон қадди тик, руҳан тетик нуроний:

— Бу сафар мен сизга қайси шаҳар, қайси тепалик учун жанг қилганимиз, қаерда, қандай мукофотлар олганимиз ҳақида гапирмоқчи эмасман, — дея сўз бошлади у. — Бугунги кунда мен бошқа бир нарсани — ҳар қадамда ҳаётимизга ўлим таҳдид солиб турган мудҳиш жанглардан омон қайтиб, мустақиллик кунларига етганимга минг бора шукр айтмоқчиман. Биз уруш қатнашчилари Президентимизнинг ғамхўрлиги, эътиборини йилма-йил аниқ ҳис этиб боряпмиз. Эндиликда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонланиши эса айни муддао бўлди.

Шуни айтайки, ўзбек йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатар эканлар, кўз олдиларида ўзлари туғилиб ўсган қишлоқлари, ой бориб омон келгин, дея дуога қўл очган ота-оналари, маҳалладошлари, қариндош-уруғлари, севимли ёрлари, азиз фарзандлари гавдалангани, шубҳасиз.

Ўзбекистон тупроғига, она-юртимизга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусигина ёвга қақшатқич зарба беришда, иблисни инига қувиб бориб, қунфаякун қилишда ҳар бир аскарга, зобитга куч-қувват, шижоат бағишлади.

Қуролдош дўстларимиз орасида отаонаси, умр йўлдоши ўғли ёки қизининг суратини асраб-авайлаб юргувчилар ҳам кўп эди, — дейди Мираҳмад ота. — Улар жанглардан ҳоли пайтларида суратга узоқ термулишар, гоҳо ўзлари билан учрашгандек суратга қараб сўзлашишарди. Аскарларимизнинг қиёфасида Ўзбекистонни соғиниш туйғуси сезилиб турарди...

Оловли йиллар ортда қолганига ҳам мана 54 йил бўлди. Отахоннинг бу йиллар ичида кечган умри зое кетмади. Ўқитувчилик қилиш билан бирга, у киши ҳозирги Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалигида боғбон сифатида ҳам танилди. Айни пайтда умр йўлдоши Хайри ая билан бир-биридан қобил, меҳнаткаш, оқил ва оқила фарзандларни камол топтирди.

— Ота-онамиз ҳамиша эъзоздалар, — дейди оиладаги кенжа ўғил Баҳодир, — 9 май куни эса улар учун бу ҳурмат ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ сезилади. Чунки, ҳаммамиз атрофларига тўпланамиз, Нишон, Маҳмуд амакимлар билан бирга ўтган-кетганлардан суҳбатлашамиз. Ота-онамиз билан оиламиз кўркам ва файзлидир.

Нақадар ўринли гап. Айниқса, Хотира ва Қадрлаш куни арафасида айтилган бу сўзларда ўзгача меҳр ва мазмун бор...

Саидвали ҲАСАНОВ.

ЯҚИНДА Юқоричирчиқ туманидаги Болта қишлоғида кўп йиллар далада меҳнат қилган оддий деҳқон Сотиболди ота Пирматовнинг 77 ёшлигини ва умр йўлдоши Зилиҳа ая билан турмуш қурганликларининг 52 йиллигини фарзандлари, набиралари, кавм-қариндошлари нишонлашди.

Йиғилганлар «Ярим асрлик келин-куёвлар» деб ҳазил-мутойиба қилишди. Қўшнилар сифатида биз ҳам иштирок этдик.

— Урушда қанчадан-қанча қуролдош дўстларимиздан айрилдик, — деди афсус билан Сотиболди ота бу тадбирдан кейин биз билан бўлган суҳбат чоғида, — ажал неча бор жонимга қасд қилди. Кўп бора яраландим. Яна сафга қайтдим. Бунинг учун Аллоҳга шукур...

ЯРИМ АСРЛИК «КЕЛИН-КУЁВЛАР»

С. Пирматов 1944 йил 21 январда оғир дардга чалинди. Оёқ-қўллар мутлақо ишламай қолди. Йиллар давомида даволанди. Кейин соғайгач, ҳозирги «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятида ишлади. Мана ўн етти йилдирки пенсияда. Етти фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг ҳаммаси ҳаётдан ўз ўринларини топишган. Тўнғич ўғли Турғун ички ишлар идораларида хизмат қилади. Тожибой хўжаликда бош муҳандис. Нишон — механик. Бахтиёр, Ихтиёрлар хўжаликнинг энг илғор ҳайдовчиларидан. Қизлари ҳам ўзларидан тинишган. Бугунги кунда отахон йигирма нафар набиранинг бобоси.

Ота Президентимизнинг 9-майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаш ҳақидаги таклифи ниҳоятда ўринли бўлганлигини, мустақилликдан сўнг мамлакатимизда ўтганларни хотирлаш борасида кўп ишлар қилинаётганлигини мамнун бўлиб гапирди. Айни пайтда у ўзи яшаётган маҳаллада меҳнат ва уруш фахрийларини хотирлашга эътибор ортганлиги, қишлоқ, кўчаларни улар номи билан аташ, қурбон бўлганлар оилаларини йўқлаш каби тадбирлар изчил рўёбга чиқаётганлигидан ҳам хурсанд эканлигини яширмади.

Иноғом ХОЛТУРСУНОВ, журналист.

МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲ

ХОТИРА ва Қадрлаш куни арафасида Паркент марказида ҳашар йўли билан «Хотира боғи» барпо этиш ниҳоясига етмоқда. У ўтганлар ёдини абадийлаштириш, руҳини шод этиш, ҳаётларга меҳр-муҳаббат ва эътиборни кучайтириш рамзи сифатида салобат тўкиб турибди. Шу йил 10 март куни Қуръон тиловати билан бошланган иш олдинга босди. «Хотира боғи»ни яратишда туман, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, зиёлилар, тадбиркорлар, ишчилар, деҳқонлар — ҳамма-ҳамма енг шимариб, астойдил меҳнат қилдилар. Ҳудудда мавжуд бўлган қурилиш материалларидан ёдгорлик пойдевори, катта сахна, уруш қурбонлари номи битилган хотира тахталари илиб қўйиладиган, икки томонга кенг қулоч ёзган, баландлиги ўн метрли деворлар бунёд этилди. Боғ марказида эса маҳзун қиёфада она сиймоси қад ростлади. Урушда қурбон бўлганлар, фронт ортида жонбозлик кўрсатган минглаб онаҳар, опа-сингиллар, болажонларнинг ҳам-андуҳлари эна шу ҳалқи дарё инсонининг юрагига жо бўлган. Бу онанинг армон тўла кўзларидан шундоқ сезилиб турипти...

— Уруш йиллари юртимиз заминини ўғлаб фашизмга қарши кўлга қурол олган 4 минг нафар паркетчиклардан икки минг нафари мангуликка ёғи кўйди, — дейди туман ҳокими Турғун Холтоев, — неча-неча аёллар оила бошлиғидан, фарзандлар отасидан айрилди. Фронт ортида хотин-қизлар фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилдилар. Бу ёдгорлик ўтганларни хотирлаш, тирикларни эъзозлаш тимсолидир. Президентимизнинг 9-майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаш тўғрисидаги таклифларидан кейин шундай боғ яратиш фикри туғилган эди...

Ёдгорлик мажмуи атрофига ўйга толиб қараймиз. Турфа гулли гулзорлар, чим ёткизилган кўм-кўк майдон, мевали ва манзарали дарахтлар унинг чиройига чирой қўшган. Биз билан енма-ён турган ёши юз билан юзлашиб бораётган отахон Бозорхўжа Улуғхўжаев билан суҳбатлашдик.

— Бу хайрли ишни қилганлар номлари бир умр халқ дилида қолади, ўғлим, — дедилар у киши. — Ўтганлар руҳини шод этиш, тирикларни қадрлаш кони савоб...

«Хотира боғи»да сўнгги ишларни олиб бораётган ишчиларга саркорлик қилиб турган туман ҳокимининг муовини Аъзам Рўзитоевнинг айтишига қараганда, бундай савобга қоладиганлар орасида республика, вилоят миқёсидаги ташкилотлар ҳам кўп. «Узмеваҳолдинг» компанияси, вилоят ҳокимлиги, вилоят «Автойўл» бирлашмаси ва бошқа ўнлаб муассасалар бунёдкорлик борасида паркетчиклларга катта мадад беришди.

Туманда яратилган Хотира боғи ёшлар дилидан ҳам ўрин олди.

— Яқинда тўйимиз бўлмоқчи эди, — деди Фарҳод Кимсанов, — марказдаги «Бахт уйи»да никоҳдан ўтмоқчимиз. У ёрдан чиқиб, ана шу боғни зиёрат қилишни кўнглимга тугиб қўйдим. Ниятим — бизларнинг фарзандларимиз урушни асло кўрмасинлар.

Муқаддас жойлардаги тилаклар, истаклар албатта ижобат бўлади, дейишади.

Бу даргоҳдан қайтар эканмиз, Фарҳодга ўхшаган ўнлаб, юзлаб, минглаб ёшларга бу қутлуғ қадамжо келгуси хаётларида маънавият ва қадриятларни улуғлаш масканига айланиб колишига ишончимиз комил эди.

Саид ВАЛИЕВ.

УМРИНГИЗГА БАРАКА, УМРИХОН МОМО

Умр деганлари оқар дарё экан. Ҳарқалай, инсоннинг умри узун, насибаси бутун бўлсин, деб дуо қилишади кексаларимиз.

Тошкент туманидаги Хиёбон қишлоғида бир хонадон бор. Пиру бадавлат бу оилада 102 ёшга кирган табаррук онахон — Умрихон момо Имомназарова умргузаронлик қиладилар.

Момонинг бутун умри меҳнат билан ўтди. Икки ўғил, уч қизни ўқимишли, эл-юрт корига ярайдиган солиҳ кишилар қилиб, вояга етказдилар. Ҳаммалари уйли-жойли, бола-чақали бўлишди. 36 невара, 64 чевара ва аваралари бувижонлари атрофида доимо парвона бўлишади.

Умрихон момо болажонларни ёнларига олиб, кўрган кунлари, қилган ишлари ҳақида узундан-узоқ ҳикоя қилиб берадилар. Атрофдагилар эса худди эртак эшитгандек тинглайдилар. Тугал-тугал гапларни эшитиб эса мириқиб-мириқиб куладилар.

Шу кунларда момонинг хонадони янада гавжум. «Хиёбон»ликлар уни табаррук кун билан қутлашмоқда. Умрихон момо эса халқимизга тинчлик, хотиржамлик ато этишини Яратгандан сўраб, юрт эгаларининг умри боқий бўлишини тилаб дуо қиладилар. Илоҳим, дуолари ижобат бўлсин!

СУРАТДА: Умрихон момо невара-чеваралари даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЕТУК ИНСОН ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

ИСТИҚЛОЛ йилларининг меваси сифатида ташкил этилган Республика «Оила» илмий-амалий маркази ўз фаолияти давомида янги жамиятда эркин фикрловчи шахсни шакллантириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётини ўрганиш орқали, унинг барқамоллигига эришиш йўлида фаол изланмоқда. Бу жараёнда муқаддас дарғоҳ деб аталучи энг кичик ватаннинг саъй-ҳаракатларини умумхалқ манфаатлари билан уйғунлаштиришга интилмоқда. Яқинда жамоатчи мухбиримиз илмий-амалий марказ раҳбари О. МУСУРМОНОВАГА бу тадқиқот масканида амалга оширилаётган ишлар юзасидан бир неча севоллар билан мурожаат этди.

— Ойниса Мусурмоновна, марказ ташкил этилганлигига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, шу қисқа фурсат ичида баракали фаолият кўрсатилаётгани ҳақида мутахассислар мамнун бўлиб гапиришмоқда. Бу, албатта, кувончли. Айни пайтда ана шу фаолият мазмуни кўпчиликни қизиқтиради. Шу ҳақда гапириб берсангиз.

— Ўтган йилнинг февралида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳукуматимизнинг бу ҳужжатда ўз ифодасини топган: оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш, каби муҳим йўналишлар асосида фаолият юргизмоқда. Белгиланган ана шу вазифаларни рўёбга чиқара бориш мақсадида марказ иш бошлаган дастлабки кунлардаёқ унинг «Оила маънавияти», «Оила руҳий ҳолатини илмий ўрганиш», «Оила ва ҳуқуқ асослари» бўлимлари очилди ва уларда турли мавзуларда изланишлар олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларга мазкур муассасанинг вилоятлар шаҳар ва туманлардаги тармоқлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳамкорликдаги интилишлар ўз натижасини берди. Ўтган вақт мобайнида оила аъзоларининг ҳуқуқий мақомига доир қонунлар тўплами чоп этилди. Болаларнинг жинсий тарбияси бўйича услубий тавсияномалар тайёрланиб, ота-оналарга тарқатилди. Оила демографик сиёсати бўйича ҳам йўриқномалар яратилди. Шу кунларда ходимларимиз «Оила кутубхонаси» туркумида илмий мақолалар тўпламлари устида ишламоқдалар.

Айни пайтда марказ бевосита жойларга чиқиб омма орасида турли тадбирлар ўтказиб бормоқда. Ёзувчи Фитратнинг «Оила» асари — «Оила мустаҳкамлигини таъминлашда тарихий манба», «Оилани бошқариш ва унинг муаммолари», «Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий ҳолати», «Оилани мустаҳкамлашда давлат ва жамиятнинг ўрни» каби мавзуларда уюштирилган конференциялар жамиятимиз кичик бўғинининг ҳуқуқий ва маънавий равнақ топишига хизмат қилмоқда.

— Бу йил «Аёллар йили»... Марказ амалга ошириши керак бўлган режаларнинг рўёбга чиқишида аёлларнинг ўзига хос ўрни бор...

— Мен сизни тушундим. Илмий-амалий марказимиз бу борада ўзининг йиллик дастурига эга. Унга кўра шу йилнинг ўтган уч ойи ичида шаҳар ва туманларда ўтган «Аёл маънавияти — миллат фахри» «Аёл гўзал — олам гўзал», «Аёл ва жамият», «Жамиятнинг барқарор ривожланишида аёлларнинг тутган ўрни» мавзуларидаги давра суҳбатлари унинг иштирокчиларига маъқул бўлганлигини эътироф этмоқчиман.

Жамият ва шахс

Шуни айтиш керакки, «Аёллар йили» тадбирларини ранг-баранг шаклда ташкил этишда ва умуман илмий фаолиятимизни кенг йўлга қўйишда Республика фан ва техника давлат қўмитаси билан ҳамкорлигимиз қўл келмоқда. Қатор илмий ишлар мавзулари қўмита томонидан тасдиқланиб, «Оила» дастуридан ўрин олганлиги тадқиқотлар билан изчил шуғулланишга қулайлик яратди. Қўмитанинг қарори билан марказ ҳузурида аспирантуранинг очилиши эса айни муддаодир. Биз бу билан оиланинг давлат ва жамиятда тутган ўрнига оид мавзулардаги диссертацияларни тайёрлаш имкониятига ҳам эга бўлдик.

— Булар, албатта, яхши. Илмий изланишларнинг кутилган натижаларни беришига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Айни пайтда Сиздан ёшлар тарбиясига оид мавзуларда ҳам тадқиқотлар олиб бориляптими, деб сўрамоқчи эдим. Хусусан, 16 февраль воқеалари бу авлоднинг оиладаги тарбиясига жиддий муносабатда бўлишни тақозо этмоқда.

Устига-устак ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масала эканлиги Республикамиз Олий Мажлисининг XIV сессиясида алоҳида таъкидланди. Бу борада «Оила» илмий марказининг саъй-ҳаракатлари қандай?

— Дарҳақиқат, мазкур сессияда қайд қилинганидек, ёшлар билан ишлаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Илмий марказимиз ходимлари мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаоллигига, қандай мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳис этишади. Шуни ҳисобга олиб, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олишдек муҳим илмий-амалий жараёнларни рўёбга чиқаришда тадбиркорлик билан иш олиб борилмоқда. Бу борада «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Наманган вилоятларида «Жамият, оила, ислом», «Аёл ва эътиқод», «Ёшлар ва дин», «Ўзбекистон аҳолисининг диндорлик даражаси» мавзуларида сўровномалар тайёрланиб, тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Сўровлар натижалари изма-из таҳлил этиляпти. Қатор вилоятларда ўтказилган бундай илмий-амалий тадбирлар, шунингдек Республика «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликдаги семинарлар, конференциялар, ёш оила муаммоларига бағишланган давра суҳбатлари тарбиявий ишларни яхшилашига катта умид боғлаяпмиз. Тўғри, 16 февраль воқеалари ҳаммамизнинг кўзимизни очди. Шу нуқтаи назардан ҳам ёшлар тарбияси «Оила» илмий-амалий марказининг доимий эътиборида бўлади. Маҳалларда, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, Тошкент Давлат Педагогика университети ва бошқа олий ўқув юртларида ақидапарастлик, ваҳҳобийчиликнинг салбий оқибатлари ҳақида бундан буён ҳам суҳбатлар ўтказишни давом эттирамиз. Ҳуллас, бутун саъй-ҳаракатимиз оилада юксак маънавий муҳитни, ўз Ватанига садоқатли, меҳр муҳаббатли етук шахсни шакллантиришга қаратилади.

Суҳбатдош: Акбар АЛИЕВ.

ЁШ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

ЎЗБЕКИСТОН Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ёш олимларнинг «Санъатшунослик ниҳоллари» деб номланган илмий-назарий анжумани ўтказилди.

Институт директори, санъатшунослик фанлари доктори О.Иброҳимов тадбирни очар экан, ёш олимларга давлатимиз томонидан берилаётган катта эътибор ва улар олдида турган вазифалар ҳақида тўхталди. Анжуман қатнашчилари икки кун давомида ўттизга яқин ёш олимнинг миллий театр, бадиий кино, меъморчилик, ўзбек мусиқавий сахна жанрларида янгиланиш жараёнлари, мустақиллик ва музей муаммолари, 90-йилларда ўзбек эстрада мусиқасига эътибор каби кенг қамровли мавзулардаги маърузаларини тингладилар. Ёш олимлар олдида турган муаммоларни муҳокама қилдилар.

— Президентимиз Ислом Каримов ёшлар бугунги кундаги энг катта ижтимоий куч эканлигини бир неча марта таъкидлаганлар. Институтимизда ёш олимлар кенгаши тузилиши ҳам ана шу куч ташаббуси билан амалга ошди, — дейди мазкур кенгаш раиси Дилором Муродова. — Бугунги анжуман унинг дастлабки тадбири. Унда санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ёш олимларидан ташқари Тошкент Давлат Санъат институти, Тошкент Давлат Университетидан ҳам бир гуруҳ аспирантлар қатнашмоқда.

Анжуман доирасида энг яши маъруза учун танлов ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Унда мавзуларнинг долзарблиги, кўзланган мавзунинг қанчалик илмий даражада кўтарилгани асосий мезон бўлди.

Б.МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

ЯНГИЙЎЛНИНГ ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги 3-касб-ҳунар мактаби қошида нафис санъат бўлими очилганига ҳали кўп вақт бўлмади. Мазкур ўқув йилидан иш бошлаган бўлимнинг олтита гуруҳида айни пайтда саксон нафар иқтидорли ўқувчи таҳсил олмоқда. Биз вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар бошқармасига қарашли ушбу ўқиш масканида бўлиб, унинг иш фаолияти билан танишдик.

Бўлим хоналаридан бирида Турсунали Тожибоев миллий нақш бўйича машғулот ўтказаётган экан. Ўқувчиларнинг айримлари ўзлари ясаб, оқ рангга бўяб қўйган саккиз қиррали курсиларни текислаб, пардоз бераётган бўлса, бошқалари шу буюмларга тушириладиган нақш намуналарини чизмоқда. Баъзилари янги нақш турларини машқ қилмоқда. Хона деворларига эса болалар ижодига мансуб нақшин буюмлар, ранг-баранг нақш чизмалари осиб қўйилган. Касбга меҳр қўйган ёшлар ҳозирданоқ турли кўргазмаларда муваффақиятли қатнашиб келаётгани эса уларнинг нозик истеъдод эгаси эканлигидан, халқ амалий санъатининг наққошлик турини эгаллаб бораётганидан дарак беради.

Чеварлик — ҳар бир қиз билиши зарур бўлган ҳунар. Нафис санъат бўлими талабаларидан тенг ярми шу касб шайдоси эканлиги ҳам табиий, албатта. Чунки бу ерда қизлар фақат либосларни бичиш ва тикиш билан чегараланиб қолмай, матолар тури, технологияси билан ҳам танишадилар. Материалларга ранг танлаш, турли қўйлак ва ичқўйлакларни қўшимча гуллар, каштачилик усуллари билан безатишни ўрганадилар. Либос бўлимининг Соҳиба Эшметова бошчилик қилаётган гуруҳида амалга оширилаётган ишлар айниқса диққатга сазовордир. Қизлар бу ерда янги тур ва модадаги кўйлаклар тикиш билан шуғулланадилар. Улар бу борада дастлабки муваффақиятни қўлга киритишди ҳам. С. Эшметова муаллиф бўлган ва ўқувчи қизлар

Миллий дастур

тиккан келинлар учун замонавий тўй либоси «Ташаббус-99» туман кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Бу либосни яратишда ҳам замонавий, ҳам анъанавий услубдан кенг фойдаланилган. Унда миллий нақш, зардўзлик намуналари кўзга яққол ташланиб турибди. Энг асосийси, у келинларимиз устида миллийлиги билан ажралиб туриши шубҳасиз. Гуруҳ қизлари ҳозир ана шу либосни кўпайтириш устида иш олиб бормоқдалар.

Бўлимда тасвирий санъатнинг қаламтасвир, рангтасвир ва графика жанрларини ўргатишга катта аҳамият берилмоқда. Бу ишга мутахассис кадрлар жалб этилгани эса ёшлар истеъдодини ривожлантириб, уларни касб сари йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай тажрибали устозлардан бири Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Қўчқор Акбаровдир. Бу иқтидорли рассомнинг асарлари мамлакатимиздагина эмас, бир қанча хорижий давлатларда ҳам маълум.

Дизайн санъат ўқув юртлари учун нисбатан янги соҳа. Аммо нафис санъат бўлимида бу борада мутахассис тайёрлашга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ўқувчиларнинг дизайн соҳасида амалга ошираётган ишлари билан танишиш жараёнида шунга гувоҳ бўлдик. Биз улар тайёрлаган ва тайёрлаётган макет ҳамда лойиҳаларни кўриб шунга ишонч ҳосил қилдикки, яқин вақт ичида Янгийўл шаҳридаги барча йирик савдо шоҳобчалари ва кўпгина маъмурий биноларнинг ташқи кўриниши янги шакл ва мазмун кашф этади.

— Халқимиз ҳар соҳада истеъдодларга бой, — дейди Нафис санъат бўлими мудири Жаҳонгир Одилов. — Мақсадимиз уларни жалб этиб, уч йил давомида малакасини ошириш, мамлакатимизга етук мутахассислар тайёрлаб беришга муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Янги ўқув йилидан бошлаб ўқитиладиган соҳалар турини кўпайтириш, айниқса халқ амалий санъатига эътибор қаратишни режалаштирдик. Шу мақсадда кулолчилик, ганчкорлик, заргарлик ва гиламдўзлик, шунингдек, пойабзал дизайни бўйича янги гуруҳлар очишни кўзлаяпмиз.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

ДАРОМАДИ БОРНИНГ РЎЗҒОРИ БУТ

Қуйичирчиқ туманидаги шоличиликка ихтисослашган А. Навоий номли халқ корпорацияси ҳар йили юз миллион сўмдан ошириб соф даромад олмоқда



СИР ЭМАСКИ, собиқ шўролар тузуми парокандаликка учраб, иқтисодий муносабатлар издан чиққанлиги оқибатида мана ман, деган бақувват хўжаликлар ҳам молиявий таназзулга юз тутиб, ҳатто, санацияга тушиб қолди. А. Навоий номидаги қишлоқ хўжалик халқ корпорацияси эса республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилдан бошлаб иқтисодий ривожланиш йўлига кириб, амалда миллионер хўжаликка айланди.

Жумладан, ўтган йилги мавсумда гектаридан режадаги 45 центнер ўрнига 54 центнердан ҳосил олинди. Кўрилган умумий даромад 380 миллион сўмдан ошди. Шунинг 118 миллион сўми соф даромаддир. Таъкидлаш жоизки, хўжаликда кейинги 5-6 йилдан бери ҳосилдорлик муқим бўлиб, 53-55 центнердан тўғри келаяпти.

— Хўш, корпорация қандай қилиб миллионер хўжаликка айланди?

— Бунинг омиллари кўп, — дейди хўжалик раҳбари Турсунхўжа Искандаров. — Умумлаштириб айтадиган бўлсак, биз режани бажариб, довруғ солишни эмас, иложи борича кўпроқ соф даромадга эга бўлишни кўзлаб иш юритамиз. Аслида ҳам меҳнат қилишдан мақсад — яхши яшаш. Шундай экан, шоликорларимиз кўпроқ даромад олсин деймиз.

Раҳбарнинг бу нияти аллақачон амалга ошган. Масалан, хўжалик аъзоларининг ўтган мавсумдаги даромадларини ҳар ойга тақсимлаганда, ўртача 33 минг сўмданга тўғри келди.

Хўжаликни миллионер қилган омиллардан учтасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биринчиси — шоличиликда оила пудратининг жорий этилганлиги. Ҳар қайси пудратчи ўзи етиштирган ҳосилнинг чўғи ва сифатига яраша ҳақ олади.. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳосилдорликни 45 центнердан ким қанча кўп оширса, шунча даромад кўради.

Иккинчиси — шоли навининг хўжалик шароитига моси танланган. Ҳар йили учдан икки майдонда «Узрос-7-13», қолганига «Авангард» ва бироз «Лазурний» нави экилади. «Узрос-7-13» нави эрта пишади, қолганлари 20-30 кун фарқи билан етилади. Қарабсизки, шоли айни пишган кундан кетма-кет ўриб-янчиб олинаверади, узилиш бўлмайди.

Учинчиси — хўжаликнинг техникаси ўзига етарли. Ортиқча ҳаражатга тушиб, четдан ёлланмайди. «Бежоғли иш — тежоғли» деганларидек, меҳнатдан келган даромаднинг ҳаммаси ёнга қолади.

Шу кунларда 2350 гектар майдоннинг сўнгги гектарларига уруғлик шоли сепилмоқда. Апрелнинг биринчи ўн кунлигида экилган чекларда эса шоли қийғос униб чиқиб, бегона ўт ва ҳашаротларга қарши дори сепишга киришилди.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТЛАРДА: юқори ҳосилли бригада бошлиғи Абдужаббор Носиров (юқорида); бригадир Озод Акбаров (чапда) ва шоликор Алижон Нишонбоев униб чиққан шоли ниҳолларини кўздан кечиришмоқда; чекни тайёрлаш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҲАЛИ КЕЧ ЭМАС

Боғ ва токзорларда табиий офат асоратларини бартараф этишга оид асосий тадбирлар

БУ йил биринчи чорак об-ҳавоси боғ ва токзорларнинг барвақт уйғониб, ривожланиш жадал кечиши учун анча қулай келди. Боғбону соҳибкорлар текис гулга кирган мева дарахтлари, шиғил шўралай бошлаган токларни кузатиб, мўл ҳосилга катта умид боғлаб турган эдилар. Бироқ уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Сибир ўлкасидан ногоҳонда етиб келган совуқ оқим яшнаб турган боғ ва токзорларга, шитоб ривожга кирган сабзавот экинларига қаттиқ шикаст етказди.

ЎЗБЕКИСТОН гидрометеорология маркази ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари ходимлари берган маълумотларга қараганда, 22, 23 ва 24 апрель кунлари республиканинг айрим вилоят ва туманларида, айниқса, шимолий ва тоғолди минтақаларида ҳарорат 3-4 даража совуб кетди.

Энг кучли совуқ оқим, хусусан, Тошкент вилояти ҳудудига тўғри келди. Жумладан, вилоятнинг шамол кучлироқ эсадиган ва тоғга яқин минтақаларида совуқ 7 даражагача кўтарилди. Оқибатда ёнғоқ ва бодом ҳосилининг 90-100 фоизини, данакли мевалардан шафтоли, гилос ва ўрикнинг 70-80 фоизини, олча ва олхўри ҳосилининг 80 фоизини, ток ҳосилининг 90-95 фоизини совуқ уриб кетди.

Мутахассислар тавсия этади

Шунингдек, рўй берган табиий офат тут барги, сабзавот ва полиз экинларига ҳам катта шикаст етказди. Барвақт униб чиққан картошка ва бодринг палаклари, яхши тутиб, айни ривожга кирган помидор ва булғор қалампири кўчатлари ҳам нобуд бўлди. Ҳатто, совуққа чидамли бўлган карамга ҳам бу галги табиий офатнинг қисман бўлсада зарари тегди.

Хуллас, содир бўлган воқеа ўз номи билан — табиий офат. Бундай ҳодисанинг ҳар йили бўлмасада, ўқтин-ўқтин юз бериб туриши табий ҳол. Бутун республикадаги каби пойтахт вилояти деҳқонлари ҳам бундай ҳолатни кўп марта бошдан кечирганлар ва ҳар сафар тушкунликка тушмай, табиат етказган зарарнинг ўрнини тўлдириш чораларини топа билганлар. Бу сафар ҳам офат рўй берган куниёқ тажрибали мутахассислардан иборат махсус гуруҳлар жойларга чиқишиб, сабзавот экинлари, боғ ва токзорлардаги аҳвол ўрганилди, кўрилган зарарни қоплаш имконини берадиган энг зарур чора-тадбирлар белгиланиб, зудлик билан амалий ишга киришилди.

Аввало, бу йилги об-ҳаво шароитида совуқдан зарар кўрган боғ ва токзорларда турли хил зараркунанда хашарот ва касалликларнинг ҳуруж қилиши ва кенг ёйилиши мумкинлиги эътиборга олинди. Шу боис боғ ва токзорларда одатдаги агротехника тадбирларини тўла ва сифатли давом эттириш билан бир вақтда зараркунанда ва касалликларга қарши курашни ҳам сусайтирмай олиб бориш лозим бўлади. Мутахассисларнинг фикрича боғ ва токзорларда кул тушиш, антракноз, данакли мева боғларида рақа касалликлари, қалқондор ва бошқа мева қуртлари кўпайиши қутилмоқда. Уларга қарши олма боғларида 75 фоиз гул тўкилган пайтдан бошлаб, дарахтларга Золон дорисининг (гектарига 3-4 кг) ёки Суми-альфа (гектарига 0,8 кг.) ёки Нурел-Д (гектарига 1,5 кг.) дорисининг 0,3 фоизли эритмаси сепилади. Май ойи давомида ушбу дорилар билан олма боғларига икки марта ишлов берилади. Беҳизорларда эса мева қуртига қарши ишловни зараркунанданинг иккинчи авлоди пайдо бўлган даврда ўтказган маъқул. Негаки, биринчи авлод қуртлари беҳи мевасига у қадар зарар етказмайди.

Учинчи ишлов 45 кундан сўнг ўтказилади. Бунда асосан гектарига 3,5—4 килограмм Золон ёки 1,5 килограмм Нурел—Д дорилари эритмаларидан фойдаланилади.

Нокзорларда ширага қарши 0,3 фоизли Золон ёки 0,8 фоизли Суми-альфа дорилари эритмаси билан икки марта ишлов берилади. Биринчиси гулдан кейин, иккинчиси эса орадан 15-20 кун ўтказиб бажарилади.

Бу тадбирлардан сўнг боғлар зудлик билан ўғитланиши ва суғорилиши лозим. Агар шира камаймаса, 10-15 кундан сўнг ишлов такрорланади.

Уруғли мева боғларида қўтир ҳамда унсудринг касалликлари катта зарар етказади. Бунга қарши гектарига 1 фоизли Бордо эритмасидан 10—15 килограмм ёки Топаз ва Вектра дориларидан 300 граммли эритмаси сепилади.

Айни дамларда уруғли ва данакли мева боғларида бинафшаранг ва қалқондор ҳашаротлар кучли ривожланмоқда. Уларга қарши 0,2 фоизли Донитол дорисининг гектарига 2-2,5 килограмм эритмаси сепилса, яхши самара беради. Шафтоли ва тоғолчаларда учрайдиган касалликларга қарши Бордо дорисининг бир фоизли эритмаси (гектарига 10-15 кг.), 0,03 фоизли Вектра ёки Топаз дориси (гектарига 300 гр.) эритмасини сепган маъқул.

Кейинги пайтларда ўрик ва бошқа данакли мева дарахтларида елим ажралиш ривожланмоқда. Бу хавфли касалликка қарши ҳам юқорида келтирилган дорилардан бирининг эритмасини сепиш зарур.

Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, токзорларда узумхўр ҳашарот ҳамда кул тушиш ва антракноз каби касалликларнинг кенг тарқалиши кутилмоқда. Ҳашаротга қарши Золон дорисининг 0,3 фоизли эритмасидан токнинг ёшига қараб гектарига 3,5-4 килограмм миқдорида сепиш тавсия этилади. Шунингдек, олма қуртига қарши мўлжалланган дорилардан ҳам фойдаланса бўлади. Биринчи ишлов новдаларда 3-4 чинбарг пайдо бўлганда, иккинчиси 17—20 кундан сўнг ўтказилади. Агар зарурат туғилса, орадан 10-15 кун ўтгач, ишлов бериш такрорланади.

Май-июнь ойларида ёғингарчилик кўп бўлиши натижасида кул тушиш касаллиги авж олмаслиги учун парваришга зўр бериш керак. Ток новдалари шамол яхши айланадиган, ёруғлик бемалол тушадиган қилиб таралади. Умуман, ҳосил етилгунча, ток новдалари 2-3 марта хомток қилинади ва чилпилади.

Бу йил хўжаликлардаги ёш ва ҳосилга кирган боғ ҳамда токзорларда парваришни кучайтириш билан бир вақтда қатор ораларига эртаки ва ўртаки сабзавот турларини экиб, қўшимча маҳсулот етиштириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Совуқдан зарар кўрган боғ ҳамда токзорларда шоҳ ва новдалардаги уйғонган куртаклардан кўплаб ўсимталар чиқиб, тупни қалинлаштириб юбориши мумкин. Шунинг учун мевали дарахтларнинг қуриб қолган шохларидан ўсиб чиққан кераксиз новдаларни кесиб ташлаш, токларда ўринбосар новдаларни (симбағазларнинг биринчи, иккинчи қаторида) колдириб, парваришлаш, новда учини 4-5та барг қолдириб, чилпиб қўйиш зарур.

Заруратга қараб баҳор ва ёз даврида токзорларда 2-3 марта олтингугурт кукуни чанглатилади. Новдаларнинг зичлиги ва ривожланишига қараб, ҳар галги ишлов беришда гектарига 30-40 килограмм олтингугурт сарфланади. Агар олтингугурт кукуни бўлмаса, 0,4-0,5 фоизли коллоид олтингугурт суспензияси пуркалади. Топаз дорисининг 0,06 фоизли (100 л. сувга 50 мл.) эритмасини пуркаса ҳам бўлади. Бунда биринчи ишлов касалликнинг илк белгилари пайдо бўлганда, иккинчиси гуллашдан сўнг яъни июннинг бошларида ўтказилади. Токлар 5-6 чинбарг чиқарганда 1 фоизли Бордо суюқлиги новдага қуюқ пуркалади.

Антракноз касаллигига қарши 1 фоизли Бордо суюклигини (100 л. сувга 1 кг. мис купороси ва 1 кг. оҳак) пуркаш яхши фойда беради. Бундан ташқари 0,4 фоизли мис хлороксиди суспензиясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Орадан 10-15 кун ўтгач, ушбу дорилар қайта пуркалади. Агар ишловдан сўнг ёғингарчилик бўлса, яна такрорланади.

Мевага кирган боғ ва токзорларда гектарига 120 кг. азотли, 60 кг. фосфорли ўғитларни иложи бўлса гўнгга аралаштириб, мумкин қадар чуқурроқ солиш, эгатни ҳам чуқур олиб, суғориш зарур. Шунда янги новдалар тез ривожланади, ҳосил йирик бўлади.

Шунингдек, зараркунанда ва касалликларга қарши вақтида курашиш, 3-4 марта суғориш, 2—3 марта хомток қилиш боғ ва токзорларда табиий офат етказган зарар ўрнини бирқадар қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш имконини беради.

ХАЛИҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар • одамлар • воқеалар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• ОЛМОНИЯ ташқи ишлар вазирлиги вакили М. Эрдман 27 май куни Боннда Болқон минтақаси муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилижаклигини билдирди. Унда Оврупо Иттифоқи, Оврупода Ҳамкорлик ва Ҳавфсизлик Ташкилоти ва бошқа йирик молиявий идораларнинг вакиллари ҳам иштирок этадилар.

• ЯҚИНДА Туркияда бўлиб ўтган парламент сайловларининг якуний натижалари эълон қилинди. Унда ҳозирги амалдаги бош вазир 73 ёшли Бюлент Эжевитнинг Демократик сўл партияси аҳолининг 22 фоиз овозини олиб, ғалабага эришди. Президент Сулаймон Демирэл Б. Эжевитга янги иттифоқдош ҳукумат тузишни таклиф этди. У кунигеча ўз вазифасини адо этишга киришди.

• ХХРНИНГ Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиши масаласи бўйича Америка-Хитой музокаралари 16 май куни Пекинда ўтказилажаклиги келишиб олинди.

• ВЬЕТНАМ пойтахти Ҳанойда АСЕАНга аъзо давлатларнинг полиция хизматлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Учрашувда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

• АҚШ Оқ уй маъмурияти Эрон, Ливия ва Суданга нисбатан илгари жорий этилган озиқ-овқат ҳамда дори-дармон киритишга даҳлдор тўсиқ жазоларини бекор қилди.

• АФҒОНИСТОНДАГИ «Толибон» ҳаракати қуролли бўлинмалари мамлакатнинг Бамеан вилояти маъмурий марказини қўлга киритиш учун ҳужум бошладилар. «Толибон»чилар жангларда тайёра ва вертолётлардан фойдаланмоқдалар.

• ТУРКИЯ ҳарбийларининг мамлакат жануби-шарқидаги Бингел вилоятида Курд ишчи партияси (КИП) жангариларига қарши қуролли юришлари давом этмоқда. Яқинда ана шундай тўқнашув оқибатида 10 нафар КИП жангариси ва 2 нафар турк аскари ҳалок бўлди.

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

ЎТГАН душанба куни Польша халқи ўз миллий байрами — Конституция кунини кенг нишонлади. Айём муносабати билан ўзбекистонликлар ҳам талайгина биродарларини муборакбод этдилар. Чунки, сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Польша ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги-янги поғоналарга кўтарилмоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўзининг ижобий самараларини бера бошлади. Икки ўртада тузилган шартномалар, бошқа ҳужжатлар турли жабҳаларда амалий натижалар келтирмоқда. Улар орасида консуллик конвенцияси, иккиёқлама солиқ олмаслик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, маданий ва илмий муносабатлар ҳамда Тошкент — Варшава ҳаво алоқасини очиш тўғрисидаги битимларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ва жаҳон

Икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айрбошлаш ҳажми 1997 йилда 188 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу рақам ҳозирга келиб анча кўпайди. Шу тариқа Польша Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шериклари қаторидан жой олди.

Иқтисодий ҳамкорлигимиз силсиласида қўшма корхоналар улуши катта бўлаётир. Айни пайтда Ўзбекистонда «Натал гўзал», «Тонг-эсо», «Комел», «Токра», «Коинко корпорейшн», «Атрако», «Диёр», «Бавипол» сингари қўшма корхоналар яхши фаолият кўрсатмоқдалар. Улар маркетинг, реклама хизмати ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бундан ташқари Польшанинг қурилиш ишлари билан шуғулланувчи «Будимекс», дори-дармон ва пардоз маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Циэх», «Ролимпекс», «Бавелна дольносленка», «Полимпекс цекоп» каби бир неча компания ва фирмалар ҳам ишлаб турибди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам ривож топаверади, — дейди Польша Республикасининг республикамиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Богуслав Качински жаноблари. — Яқин кунларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Польша қўшма комиссиясининг тузилиши кутилмоқда. Бу тадбир манфаатли муносабатларимизни янада бойитади, деб ўйлайман.

ИПАК ЙЎЛИ — КЕЛАЖАК ЙЎЛИ

ЯҚИНДА Вашингтонда АҚШ сенатори Сэм Бранбек қадимий ипак йўли йўналишида ҳамда мазкур минтақага яқин бўлган мамлакатлар раҳбарлари билан учрашиб, уларни чин қалбдан табриклар экан, қайтадан таваллуд топаётган қадимий ипак йўлининг истиқболи борасида хормай-толмай саъй-ҳаракат кўрсатишга чақирди. Учрашувда Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Молдова, Руминия ҳамда Туркия раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Шунингдек, йиғинда АҚШ президентининг миллий ҳавфсизлик бўйича собиқ маслаҳатчиси З.Бжезинский ҳамда АҚШ собиқ давлат котиби Ж. Бейкерлар ҳам иштирок этдилар.

Анжуманда ипак йўли йўналишидаги Марказий Осиё, Жанубий Кавказ, шунингдек, Ғарбий Овруло мамлакатларига ҳамкорликни ривожлантириш жараёнларида ёрдам кўрсатилажаклиги қайд этилди.

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

АНЧАДАН буён 4 май куни ўзгача бир ҳис-ҳаяжон билан кутилмоқда эди. Чунки, аввалги режаларга биноан ўша куни мустақил Фаластин давлатининг туғилганлиги эълон қилиниши лозим эди. Аммо, бу йўлда анчагина сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар юзага кела бошлади. Мазкур муаммоларнинг озмойишини пайқаш мақсадида Фаластин мухтористи раҳбари Ёсир Арофат қатор хорижий мамлакатларда бўлиб, давлат раҳбарлари билан обдон кенгашди.

Охир оқибат, кенгашли тўй тарқамас, деган нақлга амал қилган Фаластин Озодлик Ташкилоти Марказий Кенгаши ўзининг навбатдан ташқари йиғилишида 4 май куни мустақиллик эълон қилмасликка қарор қилди.

Фаластин тарихида алоҳида сана бўлиб қоладиган кунинг кечиктирилиши бежиз эмас эди. Сабаби Исроилга 17 май куни парламент сайловлари ўтказилиши кутилмоқда. Ана шу жараёндан сўнг Исроил сиёсий кучлари ўртасидаги қарашлар бир қадар ойдинлашади.

Фаластин миллий маъмурияти вакиллари шуни ҳисобга олган ҳолда кенгаш йиғилишида мустақилликни баайни ана шу сайловлардан кейин — июнь ойида эълон қилишга келишиб олдилар.

ДУНЁНИНГ *турли* ГЎШАЛАРИДА

• ҚОЗОҒИСТОН ҳарбий суди давлат ҳавфсизлик қўмитаси раҳбарининг собиқ ўринбосари Раис Ҳадеевни ватанга хиёнат қилишликда айбдор деб топиб, 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Суд жараёни давомида Р. Ҳадеевнинг хориждаги махсус хизмат вакиллари билан алоқа ўрнатиб, уларга давлат аҳамиятига молик маҳфий маълумотларни етказиб бериб турганлиги тўла исботланди.

• АМЕРИКАЛИК Бастер Митчелл «ношкўр» хотини кетиб қолганидан сўнг ўзининг севган енгил автомашинаси — «Форд-мустанг»га уйланишга қарор қилди. Куёв ўз аризасида «келин»нинг туғилган жойини Детройт шаҳридаги «Форд» заводи деб кўрсатди. Вакил ота сифатида эса автомашина корчалони — миллионер Генри Форд танланди. Лекин, шаҳар мэрининг Теннесси штатида эркаклар фақат аёлларгагина уйланиши мумкин деган қарори Бастернинг ниятини яксон қилди. Энди у ўзига ёқадиган маҳбуба изламоқда.



Етти мўъжизанинг бири — Тож-Маҳал (Ҳиндистон).

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

КУРАШ ХОРИЖ ПОЛВОНЛАРИ НИГОҲИДА

Пойтахтимизда бўлиб ўтган кураш бўйича 1-жаҳон чемпионати ўзбекларнинг миллий кураши бутун дунёда шуҳрат топаётганидан дарак берди. ЎзА мухбири хорижлик полвонларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Хонорато Карлос ЭДУАРДО (Бразилия):

— 1-жаҳон биринчилигидан умидим катта эди. Бирон совринли ўринни эгалласам, бразилияликларга бу спорт турини яқиндан таништириш анча осон ва қулай кечарди, деган мўлжалим бор эди.

Ўйлайманки, мен ниятимга етдим. Вазни 90 килограммдан оғир бўлган полвонлар баҳсида совринли ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлдим. Энг кучли полвонларингиз билан курашиш мен учун жуда оғир кечган бўлса-да, улардан кўп нарса ўргандим.

Бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Спортнинг кўплаб турларини кузатиб бораман. Лекин ўзбеклардек ҳақиқий мухлисларни кам кўрганман. Ярим финал учун курашда полвонингиз устидан ғалаба қозонганимда мени астойдил қўллаб-қувватлаганларини кўриб, тўғриси, уларнинг холислигига таассуротлар айтдим. Айнан уларнинг менга бўлган бундай самимий муносабатлари совриндор бўлишимга ёрдам берди, десам адашмайман.

Ромас ПАЧИНСКАС (Литва):

— Курашнинг жозибаси мени мафтун этди. Одатда курашнинг бошқа турларида спортчилар гиламга ётган ҳолда ҳам ҳаракатларни давом эттиради. Бу эса мухлисларнинг бирмунча зерикишига сабаб бўлади. Сизнинг миллий курашингизда эса барча беллашувлар тик ҳолатда бўлиши унинг устун жиҳатларидан бири, деб ҳисоблайман.

Мен қатнашган вазни 90 килограммгача бўлган полвонларнинг ярим финал баҳсида Ўзбекистон вакиллари Баҳром Авазов ва Камол Муродовнинг кураши жаҳон биринчилигидаги энг яхши учрашувлардан бири бўлди. Бу учрашувда ҳақиқий ўзбекча курашнинг барча қирраларини кўрдим. Хабарингиз бор, декабрь ойида Вильнюсда кураш бўйича Европа очиқ биринчилиги ўтказилиши режалаштириляпти. Ўйлайманки, унда бизнинг литвалик полвонлар ҳам муваффақиятли қатнашади.





Рожер СЕЙНСБУРГ (Жанубий Африка Республикаси):

— Тўғрисини айтсам, ўзбек курашининг қонун-қоидалари билан юртингизга келгач танишдим. Мен, асосан, дзюдо билан шуғулланаман. Лекин курашни ўрганишим осон кечди. Бу жиҳат мазкур спорт турининг жаҳонга чиқишига устувор омиллардан бири бўлади, деб ўйлайман. Билсангиз керак, самбо бўйича биринчи жаҳон чемпионатида 3 мамлакат вакиллари, дзюдо бўйича илк жаҳон биринчилигида эса 7 давлат спортчилари иштирок этган. Тошкентдаги кураш мусобақасида эса элликка яқин мамлакатдан спортчилар келди. Бу курашингиз жаҳон майдонига шиддат билан кириб келаётганидан дарак беради. Менимча, спортнинг бу турини олимпия ўйинлари рўйҳатига киритиш орзуси нисбатан қисқа вақтда амалга ошади.

Жаҳон биринчилигининг ҳар уч вазнида ҳам ўзбекистонликлар ғалаба қозонгани табиий ҳол. Чунки юртингиздан ташқарида бу спорт тури бўйича ҳали етарли тажриба йўқ. Аммо яқин келажакда хорижлик полвонларнинг ҳам ўзбекистонликлардан ўтиб, катта ғалабаларни қўлга киритишига ишонаман.

Анвар КАРИМОВ суҳбатлашди.
Суратларда: мусобақадан лавҳалар. Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

«ДЎСТЛИК»:

ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси саккизинчи миллий чемпионатида қатнашаётган олий табақа жамоалари мусобақасида куни кеча ўтказилган еттинчи турдан сўнг вилоятимиз вакили «Дўстлик» жамоаси ягона пешқадам бўлиб олди.

O'ZBEKISTON 1999 CHEMPIONATI

Бу турда ўз майдонида «Андижон» жамоасини қабул қилиб ўйинни шиддатли ҳужумлар билан бошлаган «Дўстлик» футболчилари меҳмонлар дарвозаси олдида кўплаб хавфли вазиятлар яратган бўлсаларда учрашувнинг йигирма бешинчи дақиқасигача тўп киритилмади. Ўйиннинг йигирма олтинчи дақиқасидагина моҳир ҳужумчи Ойбек Усмонхўжаев тўпни аниқ дарвозага йўллаб, ҳисобни очди. Киритилган тўпдан руҳланган майдон эгалари рақиб дарвозасини яна кетма-кет «ўққа» тута бошладилар. Натижада 34-дақиқада Вячеслав Пономарёв дарвозани иккинчи бор ишғол қилди ва ҳисобни 2:0га ўзгартирди.

Шундан сўнг хотиржамликка берилган майдон эгалари ўйинни бўшаштириб юбордилар. Бундан фойдаланган меҳмонлар қарши ҳужумлар уюштириб, майдон эгалари дарвозасига иккита аниқ тўп йўллаб, ҳисобни тенглаштиришга ҳам эришдилар. Лекин саксон еттинчи дақиқада яна Ойбекнинг ўзи ҳал қилувчи тўпни меҳмонлар дарвозасига киритиб, ўйин тақдирини ҳал қилди. Қизиқарли ва жанговар руҳда ўтган бу ўйин 3:2 ҳисобида «Дўстлик» ғалабаси билан якунланди. Улар чемпионатда тўплаган очколар сонини 19тага етказиб, ягона пешқадам бўлиб олдилар.

Пешқадамлик учун даъвогарлик қилаётган «Самарқанд» жамоаси ўз майдонида Қаршининг «Насаф» жамоасини қабул қилди. Улар биринчи бўлиб ҳисобни очиб, 1:0 ҳисобида устунликка эришиб турган бўлсалар-да, ғалабани сақлаб қололмадилар. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида қаршиликлар майдон эгалари дарвозасига жавоб тўпи киритиб, ҳисобни 1:1га ўзгартирдилар ва ўйинни жанговар дуранг билан якунладилар. «Самарқанд» ҳисобида 17 очко бўлиб, улар иккинчи ўринни ишғол қилиб турибдилар.

Худди шундай ҳисоб Термизда ва Янгиерда ҳам қайд этилди. «Сурхон» «Хоразм» жамоасини қабул қилиб, ўйинни 1:1 ҳисобида якунлади. Янгиерда ҳам майдон эгалари «Бухоро» билан учрашиб худди шундай натижага эришдилар.

Мамлакатимизнинг бир неча бор чемпиони «Нефтчи» футболчилари ўз майдонида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасини қабул қилиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди ва уч очкони қўлга киритди.

Вилоятимизнинг иккинчи вакили Бекободнинг «Металлург» жамоаси Наманганда «Навбаҳор»га қарши майдонга тушиб 2:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Худди шундай ҳисоб Қўқонда ҳам қайд этилди. «Темирйўлчи» «Сўғдиёна» жамоаси устидан муҳим ғалабани қўлга киритди.

Тошкентда ўтказилган «Трактор» ва «Зарафшон» жамоалари учрашувида фақат меҳмонлар дарвозасига тўплар киритилди. «Трактор» ҳужумчиси Абдужамил Абдуғаниев бу учрашувда рақиб дарвозасига 3 тўп киритиб «хет-трик»га эришди. Унинг чемпионатда рақиблар дарвозасига киритган тўплари 7тага етди.

Саккизинчи миллий чемпионатнинг саккизинчи тур учрашувлари бугун ўтказилади. Унда пешқадамлар «Дўстлик» Термизда «Сурхон»га қарши, «Самарқанд» эса Навоийда «Зарафшон»га қарши тўп суради. Вилоятимизнинг иккинчи вакили «Металлург» ўз майдонида «Нефтчи»ни қабул қилади.

Таҳлат ЮСУПОВ.

МЎЪЖИЗА ЯРАТГАН ҚЎЛЛАР

ДОНИШМАНДЛАР шундоқ ривоят қилибдилар: инсон ўзининг икки фазилати билан абадий тириклик кашф этар экан. Биринчиси, солиҳ амаллари; яъни одамларга қилган яхшиликлари билан, иккинчиси солиҳ, қобил фарзандлари билан.

Дилкаш суҳбатлар

Ҳар гал Ўзбекистон халқ рассоми, таниқли ганчкор уста Маҳмуд Усмоновни эслаганимда шу нақл ёдимга келади. Уста учта фазилати билан халқимиз қалбида абадий яшаб қолди: ажойиб нақшинкор бинолари, қўли гул шогирдлари, ота ишини давом эттираётган фарзандлари билан. Устанинг катта ўғли — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мирвоҳид Усмонов ота изидан бориб бахт, иззат-икром топганлардан бири.

— Мирвоҳид ака, устачилик ота касб дейишади, анъанавий, оилавий касб деб таърифлашади...

— Тўғри айтдингиз... Осон ишни бажарадиган одамлар жуда кўп. Лекин, шундай ҳунарлар борки, унча-мунча одам унинг инжиқликларига чидаш беролмайди, ташлаб кетади. Шу сабабли бўлса керак, ганчкорлик, нақкошлик, ёғоч ўймакорлик сингари касблар кўпроқ отамерос саналади. Демоқчиманки, авлоддан-авлодга худди муқаддас мероскек ўтади.

Бобом уста Усмон ўз даврининг, аниқроғи асримиз бошларидаги Тошкенти азимнинг атоқли устаси бўлган. Ўз касбининг пири комиллари билан бир қаторда тилга олинган. Падари бузрукворим Маҳмуд ота Усмонов уста Ширин, уста Тошпўлат, уста Қулилар билан бирга ишлаш, улардан ўрганиш шарафига ноил бўлганлар.

— Усталарнинг ўз дастхатлари бўлади, деб эшитганман...

— Албатта! Агар уста Маҳмуднинг гуллари, панжаралари нақши-нигорлари ўзганикидан фарқланмаса, қандай қилиб уста деб ном қозонади?! Алишер Навоий номли Катта театрга кириб кўргансиз-а? Ҳар бир вилоятга алоҳида заллар ажратилган. Бу залларга ҳар бир вилоятнинг атоқли усталари шундай гуллар ишлашганки, асти қўяверасиз... Хива зали Бухоро залига асло ўхшамайди... Раҳматли падари бузрукворим Маҳмуд Усмонов шу санъат кошонасида 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин таъмир ишларини бажарганлар.

— Неча ёшларингиздан бошлаб ганчкорликка ҳавас қўйгансиз?

— Сизга айтадиган бўлсам, ҳунарманд бўлишга интилган бола фалон ёшдан бошлайман деб айтолмайди. Усталар оиласида бўлганим сабаблидир балки, 7-8 ёшларимда кўзим анча пишиб қолган эди, десам ишонаверинг. Ўн-ўн икки ёшларимда туппа-тузуккина қўлимдан иш келадиган шогирдча эдим.

— Устадан ўрганишнинг ўзи бўлмагандир!.. Гарчи, ўғли бўлсангиз ҳам...

— Дадам раҳматли бир мендан эмас, бошқа шогирдларидан ҳам кўз билан кўриб, қўл билан ишлаб, ўрганишни талаб қилардилар. Кўп гапириш-ни хуш кўрмасдилар. Биронтамизни бир лаҳза бўлсин, тинч қўймаганлар. Ҳатто, хунобим ошиб, ташлаб қочишга шайланган пайтларим ҳам бўлган. Лекин, «тиконсиз гул, машаққатсиз ҳунар бўлмас» деганлари рост экан. Мана ҳозир падари бузрукворим қанчалар тўғри иш қилганларини ҳар лаҳзада ҳис қилиб тураман.

— Ўзингиз ҳам талабни ошираётгандирсиз, шогирдларга нисбатан...

— Бусиз бўлмас экан...

— Отамнинг шогирдлари дедингиз... Улар ҳақида ҳам бир-икки оғиз лутф қилсангиз...

— Улар анчагина... Асрол Мухторов, Фахриддин Ҳолиқов, Жаҳонгир Ҳасанов, Олимжон Зокиров, Фахриддин Назиров, Ғафур Каримжонов, Носир Маннонов... Э, қайси бирини айтай... Ҳаммаси бугун номдор уста бўлиб кетишган. Асрол Мухторов ганчин қандиллари билан жуда машҳур бўлиб кетган. Отам раҳматли уни ўз ўғлидек кўрар эдилар. Бизни кўплар ака-ука, Ҳасан-Ҳусан деб ўйларди. Уларнинг ҳаммасининг сиймосида падари бузрукворимни кўраман. Улар уйимга кириб келса, худди отам тирилиб келгандек бўлади.

— Қайси жойларда ишлагансиз, Мирвоҳид ака?

— Ҳаммасини санаб ўтадиган бўлсам, бир дафтар тўларов. Ўзбекистоннинг ҳамма бурчагида меҳнат қилганмиз... Жиззахдаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри биносининг ичини безаганмиз. Янги Ангрен ГРЭСини бир бориб кўринг... Фарғона водийсида анча биноларга пардоз берганмиз. Гиштқўприкдаги чойхонани безаганмиз... Наманганда ишлаганмиз... Сиз сўраяпсиз-у, менинг ҳаёлимда ўша лаҳзалар жонланяпти...

Охирги ишларимизни «Туркистон» саройида, Темурийлар тарихи давлат музейида, Қабуллар уйида кўришингиз мумкин...

— Изингиздан кетаётган фарзандларингиз борми?

— Деярли ҳаммаси: Мирвали ҳам, Мирпўлат ҳам, Мирҳосил ҳам... Мен қилолмаган ишларни шулар қилишади, деб ўйлайман...

...Уста Мирвоҳид кўпроқ уста Маҳмуд Усмоновни, унинг ўғлаб шогирдларини тилга олди. Ўзи ҳақида ортиқча сўзламади. Суҳбат асносида қоғозга тушириб ололганларим юқоридаги ўқиганларингиз бўлди.

Зеро, устанинг гапига эмас, қўлига қарайдилар. Уста Мирвоҳиднинг эса қўлларидан гинаси йўқ. Унинг қўллари мўъжиза яратаётган қўллар. Юртимиз кўркига кўрк, довруғига довруғ қўшаётган қўллар...

Мен уста Маҳмуд Усмонов ҳақида бадиа битганман. Унинг фарзанди Мирвоҳид Усмонов ҳақида ҳам ёздим. Насиб этса унинг фарзандлари ҳақида ҳам кун келиб, бирор нарса қоралармаи... Яхши ниятда.

Хайрлашаётганда Мирвоҳид ака:

— Қўлларим омон бўлса, ишга яраса, бир лаҳза тинмайман, тинчишга ҳаққим йўқ, — деди.

Ҳақ гапни айтди уста. Ором-ижод аҳлига, айниқса, ҳунарманд аҳлига ёт одат...

Суҳбатдош: Темур УБАЙДУЛЛО.

Янги кинокомедия

«ЧАПАНИ ОШИҚ»

«Ойнаи жаҳон»нинг намойиш қамрови кенгайиб, бу санъат ҳар бир хонадонга тобора кўпроқ кириб бораётир. Балки шу боис сўнгги пайтларда кинотеатрларда томошабинлар сони сийраклашаётгандир.

Аммо пойтахтдаги Алишер Навоий номли санъат саройида бунинг акси бўлди. «Чапани ошиқ» фильмининг илк намойишига кўплаб томошабинлар йиғилди. Даврон Абдуллаев режиссёрлик қилган икки ёшнинг муҳаббати ҳақида ҳикоя қилувчи Ҳиндистон киноматографчилари билан ҳамкорликда суратга олинган мазкур кинокомедияда бош ролларни машҳур эстрада хонандаси Отабек Мадраҳимов ва раққоса Сўғдиёна Исроиловалар маҳорат билан ижро эта олишгани мухлислар эътиборига сазовор бўлди. Айни пайтда улар ўзбек киносанъати мусиқий кинокомедия жанрида яна бир асар билан бойиганлигини мамнунлик билан қайд этдилар.

Шоира АБДУШОҲИДОВА.

ИНТЕРВЬЮ

(Ҳажвия)

Ҳар иккита гапига,
Битта русчани қўшиб.
– Короче, бизда актив
Кўп жуда хотин-қизлар.
Уларга оказывать,
Қиламиз помощь бизлар.
Кўп мероприятия,
Этдик организовать.
Бизда есть фабрикалар,
Есть ещё три завод.
Знайте, бизнинг жойлар,
Промишленний город.
Унда ўн нация бор,
Хорошо живёт народ.
Праздникка подаркалар,
Қилаяпмиз обещать.
Кўп вопросларни ўзим
Иногда қилгум решать.
Школада мен русча,
Десять лет олдим билим.
Шу учун ўзбекчага,
Как-то айланмас тилим.
Потом институтда ҳам,
Изучать қилдик тўрт йил.
Так что, менга русча,
Гапириш анча енгил.
– Передачангиз когда?
Днем или вечером?
Звонить қиласиз-а?..
Не то чиқди, кечиринг!
До свидания, – деди у, –
Раҳмат, соғ бўлинг ака,
Мы ещё увидимся?..
Дедим: – Албатта, пока!

Ўткир САИДОВ.

Касбим тақозоси-ла,
Бордим битта туманга.
Кўрсатдилар у ерда,
Битта опани менга.
Ҳоким ўринбосари,
Экан ўша опамиз.
– Какой вопрос? –
дедилар,
Айтинг ответ топамиз.
– Хотин-қизлар ҳаёти,
Ҳақида гапирасиз.
Қисқаси радиога,
Бир интервью берасиз.
– Ладно, – деди Розахон,
Сўзлаб кетдилар жўшиб.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги Қ. Турдиев номли 59-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Орипов Аброр Абзалович номига берилган № 376544 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент туманидаги «ҲАЁТ ФАЙЗ» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи **Ҳикматиллаев Тўлаган МЕЛИЕВИчнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 6-9 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туриши кутилади. Вақти-вақти билан момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Кечалари 10-15 даража илиқ, кундуз кунлари 21-26 даража иссиқ бўлиши мумкин. Шу даврнинг охирига бориб ҳаво ҳарорати кўтарилиб кундуз кунлари 27-32 даража атрофида иссиқ бўлади.

«Элита-Т»

ТИББИЁТ МАРКАЗИ

Қуйидаги соҳалар бўйича ташхис қўйиш ва даволаш ишларини амалга оширади:

1. Терапия.
2. Урология (жинсий ожизлик, простата бези ўсмасини операциясиз даволаш).
3. Дермато-венерология.
4. **УЗД** *(маълум қиламизки, бизда УЗД олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Турсунбой Суннатович Саматов томонидан амалга оширилади).*

Телефонлар: 72-80-58, 53-52-02.
Манзилимиз: Чилонзор кўчаси-80, «Шифокор» («Медик») меҳмонхонасининг 2-қаватида.
Мўлжал: АҚШ элчихонаси ва «Чилонзор» савдо маркази.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0356. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6